

Йигит ўзи ёқтирган қизга уйланиши мумкинми? Шунингдек, йигит қиз танлашда у билан

15:44 / 26.04.2016 4262

Йигит ўзи ёқтирган қизга уйланиши мумкинми? Шунингдек, йигит қиз танлашда у билан кўришиши мумкинми?

Демак, йигит ўзи ёқтирган қизга уйланиши мумкин, нимага мумкин бўлмайди? Албатта мумкин, лекин аввалги айганимиздек, катталарни маслаҳати билан, ҳамма хурсанд бўлиб қилгани яхши. Ана энди танишиш мақсадида учрашиш дейдиган бўлсак йигит қизлар уйланиш мақсадида, никоҳланиш ниятида бўладиган бўлса ўша куёв ёки келин бўлишга номзод шахс билан учрашишлари мумкин, буни шариатда рухсати берилган Пайғамбаримиз с.а.в.саҳобаларга уйланмоқчи бўлганларида келинни кўришни тавсия қилганлар. Ва келажакда униси улфатни яхши бўлишига хизмат қилишини бу ишни таъкидлаб айтганлар. Аммо бу кўришиш харом ҳариш иш билан бўлиши керак эмас, шариатга хилоф вазиятда ўтиши мумкин эмас. Бунинг учун ана ўша никоҳдан олдин кўришиб бир-бири билан танишиб, маъқуллаш маъносини излаш пайтидаги учрашувда учинчи бир шахс ҳам бирга бўлиши керак. Чунки балоғатга етган бир-бирига бегона номаҳрам бўлган шахсларни йигит қизларни ёлғиз қолишлари шариатда мумкин эмас. "Агар икковлари ёлғиз қолса учинчилари шайтон бўлади" дейилган, йўлдан уради. Ва харом хариш ишлар юзага чиқишига сабаб бўлади. Ана шунинг учун қариндош кишилардан, яқин кишилардан учинчи бир кишининг гувоҳлигида кўришиб, учрашиб, савол-жавоб қилишиб, баъзи-бир фикр мулоҳазаларни айтиб ва ана шу ўзига ёқадиган тарафларни излаш маъноларида учрашишига рухсат берилган шариатда бу бор нарса, қилинган ва қилиниб келаётган бир амалдир. Буни яхши билиб олишимиз керак.